

«ОЛОЙ ДЕХҚОН БОЗОРИ» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

2020 йил 30 ноябрь

соат 11 -⁰⁰

Овоз берувчи акциялар сони: 1849174

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Темур кўчаси 40 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2020 йил 30 ноябрь куни ўтказилди. Йиғилишда 1824335 овозга эга 4 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98.6 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Д.И.Ганиев – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиги уринбосари

Т.К.Камолов - “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, бош мутахассис

А.К.Холжигитов – «Олой дехкон бозори» АЖ директори в.б.

Реестр бўйича акциядорлар сони 1040 та. 1849174 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жаъми акциядор 4 та акциядор, 1824335 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун қворум 98.6 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиги ўринбосари Д.И.Ганиев юборилган.

Йиғилишда раисликни Д.И.Ганиев олиб борди.

Д.И.Ганиев йиғилиш ўтказиш учун қворум 98.6 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, Д.Азизова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Д.И.Ганиев йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги хақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган Юсупова Ш. Мирзаев Х. ва Абдуллаеваларни овозга қўйди.

Санок комиссияси юкоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. *Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;*
2. *Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.*
3. *Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш*

Йиғилиш раиси Д.И.Ганиев кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Д.И.Ганиев сўзни жамият директори в.б. А.К.Холжигитовга берди.

А.К.Холжигитов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 мартдаги 216-Ф-сонли Фармойишига асосан Юнусобод туманида жойлашган

Қарор қабул қилади.

1. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча тартибда умумий қиймати 100.000.000.000 (юз миллиард) сўмлик, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 100.000.000 (юз миллион) дон оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз шаклдаги акцияларни чиқаришга ҳақли эканлиги тасдиқлансин (ёқлаган 1824335 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ);
2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин (ёқлаган 1824335 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ);
3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги маблағлари ҳисобига амалга оширилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 июлдаги 216-Ф-сонли Фармойишига асосан жамият устав фондига ҳокимлик улуши сифатида киритиш белгиланганлиги инobatга олиниб, қурилиш ва ҳудудни ободонлаштириш ишларига сарфланган маблағлар миқдорига тенг равишда чиқариладиган қўшимча акцияларни жойлаштиришда Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш таклифи тасдиқлансин (ёқлаган 1824335 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

Баённома имзоланган сана: «9» декабрь 2020 йил.

Мажлис раиси



Д.И.Ганиев

Мажлис котиби



Д.Азизова